

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**АДИЛОВ ДЖАМШИД ГАЙРАТОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ С ГЕПАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРНИНГ ВИРУСГА ҚАРШИ ЖАВОБИНИ  
ИММУНОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Адилов Джамшид Гайратович**

Сурункали вирусли С гепатит билан касалланган беморларнинг вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмлари..... 3

**Адылов Джамшид Гайратович**

Иммуногенетические механизмы противовирусного ответа при хроническом вирусном гепатите С ..... 29

**Adylov Djamshid Gayratovich**

Immunogenetic mechanisms of anti-viral response in patients with chronic viral hepatitis C ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 59**

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**АДИЛОВ ДЖАМШИД ГАЙРАТОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ С ГЕПАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРНИНГ ВИРУСГА ҚАРШИ ЖАВОБИНИ  
ИММУНОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib129 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Исмаилова Адолат Абдурахимовна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ирсалиева Фатима Хуснутдиновна</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Ахмедова Холида Юлдашевна</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Камилов Фарход Хайдарович</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Фундаментал ва клиник иммунология илмий текшириш институти (Россия)</b>

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**З.С.Камалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А.Батирбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертасияси (DSc) аннотацияси)

**Дисертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда вирусли гепатитлар ва уларнинг оқибатлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...сурункали С вирусли гепатити ва унинг асоратларидан ҳар йили 500 мингдан зиёд одамлар вафот этмоқда, 200 млн. га яқин одам ёки аҳолининг 3% HCV-инфекцияси билан касалланган. Йилига ушбу инфекция билан 3-4 млн инсон зарарланмоқда»<sup>1</sup>. «HCV-инфекцияси 70% холатларда сурункалашуви, 40% холатларда жигар циррозига ва 60% холатларда гепатоцеллюляр саротонига сабаб бўлмоқда»<sup>2</sup>. С вирусга қарши вакцинанинг йўқлиги, касалликнинг тез зўрайиши ва клиникасида турли тизимли ўзгаришларни пайдо бўлиши самарали даволаш усуллари ишлаб чиқишни тақазо қилмоқда.

Жаҳонда вирусли гепатитлар этиологиясини аниқлаш, иммуногенетик тадқиқотлар асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада *IL-28B* генининг полиморфизми аниқлаш; турли генотипларида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш, оғир асоратлар – жигар циррози, гепатоцеллюляр рак ривожланишида ўткир яллиғланиш медиаторлари миқдорини аниқлаш, касалликни эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш, янги генетик маркёрларни аниқлаш, даволашда ген инженерлик препаратларни қўллаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. HCV-инфекциясига дахлдор генлар мутациясини эрта ташхислаш, иммунитет кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан вирусли гепатитларни даволаш ва олдини олишга қаратилган самарали тадбирлар ўтказилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, вирусли гепатитларни ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> World Health Organization website, 2014.

<sup>2</sup> Майер К.П., 1999; Manns M., 2002; Alberti A. et al., 2003

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 537-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Сурункали С вирусли гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик жиҳатларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Clinic of the Goethe University Frankfurt (Германия), Interdepartment al Center for Systemic Manifestations of Hepatitis Viruses (Италия), Department of Medical Biochemistry; Department of Internal Medicine; Department of Clinical Pathology, Faculty of Medicine, Suez Canal University, King's College (Буюк Британия), La Jolla Institute for Allergy and Immunology (АҚШ), Фундаментал ва клиник иммунология илмий-тадқиқот институти (Россия), Шимол тиббиёт муаммолари илмий-тадқиқот институти (Россия), Вирусология илмий-текшириш институти; Иммунология ва одам геномикаси институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда сурункали С вирусли гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмларни аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: С вирус репликациясида иштирок этувчи вирус структурасига боғлиқ бўлмаган (NS2, NS3, NS4, NS5) – ферментлар аниқланган (La Jolla Institute for Allergy and Immunology, АҚШ)<sup>5</sup>; С вирус структурасига боғлиқ С - core, E1 ва E2 генлари аниқланган (Interdepartment al Center for Systemic Manifestations of Hepatitis Viruses, Италия)<sup>6</sup>; HCV-инфекциянинг 12 тадан ортиқ генотиплари аниқланган (Department of Clinical Pathology, Faculty of Medicine, Suez Canal University, King's College, Буюк Британия)<sup>7</sup>; HCV-инфекцияга қарши даволаш самарадорлиги ИЛ-2 ва ИФН-γ миқдорлари ўзгаришига боғлиқлиги асосланган (Clinic of the Goethe

<sup>4</sup> [www.who.int/healthinfo/global\\_burden\\_disease](http://www.who.int/healthinfo/global_burden_disease); [www.who.int/mediacentre](http://www.who.int/mediacentre); [www.cdc.gov](http://www.cdc.gov) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

<sup>5</sup> M. Sillanpää et al., 2009; M. Rafik et al., 2016

<sup>6</sup> S. Kamili et al., 2012; Jacqueline K Flynn et al., 2014

<sup>7</sup> F. Lechner et al., 2000; J. Grebely et al., 2013

University Frankfurt, Германия); сурункали С вирусли гепатитида вирусга қарши даволаш Th1 ва Th2 цитокинлар миқдорининг балансига боғлиқлиги исботланган (Фундаментал ва клиник иммунология илмий-тадқиқот институти, Россия).

Дунёда сурункали С вирусли гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммунопатогенетик жиҳатларини аниқлаш, вирусга қарши даволаш, касалликни прогнозлаш, клиник жиҳатлари ва профилактика самарадорлигини ошириш мақсадида қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сурункали С вирусли гепатитида вирусга қарши даволаш Th1 ва Th2 цитокинлар миқдорининг балансига боғлиқлигини аниқлаш; С гепатити вирусининг турли мутацияларида NS ферментлар турини аниқлаш, жигар циррозида зардоб маркёрларини аниқлаш; вирусли гепатитларда вирусга қарши тўғридан - тўғри таъсир қиладиган дори воситаларини ишлаб чиқиш; сурункали С гепатит генотипларини географик худудлардаги тарқалганлиги, популяциялар ора хилма-хиллиги ва клиник хусусиятларини аниқлаш, касалликни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, даволашда ген инженерлик препаратларни қўллаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЖССТ маълумотларига кўра, дунёнинг 3% аҳолиси сурункали вирусли гепатит билан инфицирланган ва ҳар йил 4 млн дан ортиқ янги касалланиш ҳолатлари қайд этилмоқда (Thompson A.J., 2012). Дунёда гепатит С вирусининг 80% гача сурункалашувининг юқори хавфи ва трансплантацияни талаб этадиган ҳолат - касалликнинг жигар циррози ва 5 йилдан қисқа яшаш муддати бўлган гепатоцеллюляр саратон касаллигигача ривожланиб бориши кузатилмоқда (Ge, D., 2014). Маълумки, ССВГ асоратларидан ҳар йили 500 мингдан зиёд инсон вафот этмоқда (Жданов К.В., 2014). Бундан ташқари, маълумки, гепатит С вирусига қарши махсус эмлаш воситаси мавжуд эмас, бироқ бугунги кунда вакцина ишлаб чиқариш тадқиқотлари фаол олиб борилмоқда.

Сурункали гепатит С вирусининг ижтимоий муаммо ҳисобланиб, беморлар меҳнатга лаёқатлиги сусайиши, депрессия ривожланиш хавфи ортиши, даволанишга сарф-ҳаражатларнинг ортиши ва албатта, ўлим ҳолатларининг ортиши билан намоён бўлмоқда (Venegas M., 2012).

Сўнги ўн йилликда сурункали гепатит С вирусининг фонида стандарт даволашга бўйсунмайдиган аутоиммун касалликлар қаторида тизимли жараёнлар шаклланаётгани кузатилмоқда (Berden F.A., 2014). ЖССТ прогнозларига кўра кейинги 10-20 йилда жигар циррози билан касалланган беморларнинг сони 60% га, гепатокарцинома билан касалланган беморларнинг сони 68% га, жигари декомпенсацияланган беморларнинг сони 280% га ва жигар касалликлари оқибатида ўлим юз бериши 2 марта ошиши кутилмоқда (13 февраль 2011 йил, Sypsa V ҳаммуаллифлар билан, 2005).

Бундан ташқари, шуни айтиб ўтиш керакки, вирусга қарши даволаш (ВҚД) буюрилиши мобайнида ножўя таъсирларнинг юқори даражаси кузатилмоқда ва 40% ҳолатларда ВҚД самарасиз бўлмоқда (Абе Н., 2013).

Сўнгги йилларда ВҚД натижасини башоратлаш имконини берувчи генетик маркер маълум бўлди, бу ИЛ-28 гени полиморфизми бўлиб, интерферон билан стимулланишга иммун тизимининг сезувчанлик даражасини аниқлаб беради. Маълумки, мазкур маркер 1 генотипли гепатит С вируси бўлган ССВГ беморларини ВҚД динамикасида аниқлаш катта аҳмиятга эга (Ge D., Fellay J., Thompson A.J., 2012; Grebely J., Petoumenos K., Hellard M. et al., 2015). Юқорида келтирилган маълумотлар шуни таъкидлайдики, вирусга қарши даво фонидида сурункали С вируси гепатити беморларида вирусга қарши жавоб шаклланишининг иммунопатогенетик механизмларини аниқлаш долзарб ва амалий муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф6-Т093 «Вирусга қарши терапияга резистентликнинг иммуногенетик механизмлари ва уларнинг сурункали В ва С вирусли гепатитлари билан касалланган беморларда фенотипик ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқлиги» (2012-2016 йй) ва АЕ10-Т092 «Иммун тизимининг хос бўлмаган омилларини лабораторияда аниқлаш усулларини модернизация қилиш ва уларни иккиламчи иммун танқисликларига ташҳис қўйишда қўллаш» (2012-2013 йй) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали вирусли С гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

вирусга қарши даволаш фонидида сурункали С вирусли гепатитининг клиник кечиши ва иммунологик кўрсаткичлари ҳолатини ретроспектив таҳлил асосида баҳолаш;

вирусга қарши даволашдан аввал беморларда сурункали С вирусли гепатитининг клиник кечиши ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришини аниқлаш;

*ИЛ-28В* гени полиморфизминини аҳолининг соғлом қатлами ва сурункали С вирусли гепатитли беморларда аниқлаш;

вирусга қарши даволаш динамикасида сурункали С вирусли гепатитининг иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришини баҳолаш;

сурункали С вирусли гепатитли беморларида барқарор ва нобарқарор вирусологик жавоб шаклланишининг иммунопатогенетик ҳолатларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида сурункали С вирусли гепатит ташҳиси билан 235 нафар беморлар ва 160 нафар соғлом шахслар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби клиник ва иммуногенетик тадқиқотлар учун олинди.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, серологик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали вирусли С гепатитли беморларнинг 3/4 қисмида 1 генотип учраши аниқланган ва беморларнинг 2/3 қисмида барқарор вирусологик жавоб шаклланиши исботланган;

сурункали вирусли С гепатитли беморларда вирусга қарши даволаш давомийлигида клиник кечишининг иммуногенетик ҳолат ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган;

сурункали вирусли С гепатитли беморларда вирусга қарши даволашдан аввал ва давомийлигида иммун тизим ҳужайравий бўғини кўрсаткичлари билан цитокинлар миқдори ўзгариши орасидаги боғлиқлик аниқланган;

илк бор соғлом ва сурункали вирусли С гепатитли беморларда *ИЛ-28В* генининг полиморфизми, кўп учрайдиган аллеллари ва гаплотипик ассоциациялари аниқланган;

сурункали вирусли С гепатитда вирусга қарши даволашдан аввал ва динамикада барқарор ва нобарқарор вирусологик жавоб шаклланишида *ИЛ-28В* генининг *rs12979860* ва *rs8099917* локуси генлари учраши билан иммунологик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сурункали вирусли С гепатитли беморларда вируснинг уч генотипи учраши, генотипга боғлиқ барқарор ва нобарқарор вирусологик жавоб шаклланиши исботланган;

сурункали вирусли С гепатитда *ИЛ-28В* генининг полиморфизми ва иммунологик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш зарурлиги асосланган;

сурункали вирусли С гепатитни барқарор ва нобарқарор вирусологик жавобни баҳолаш вирусга қарши даволаш самарадорлигига асосланиши исботланган;

сурункали вирусли С гепатит оқибатини патогенетик асосланган эрта ташхислаш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали С вирусли гепатитда вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмларни аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Қасалликда иммун тизим ҳужайравий бўғини кўрсаткичлари билан цитокинлар миқдори ўзгариши орасидаги боғлиқлиги, *ИЛ-28В* генининг полиморфизми, кўп

учрайдиган аллеллари ва гаплотипик ассоциациялари билан барқарор ва нобарқарор вирусологик жавоб шаклланиши орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали С вирусли гепатитли беморларда вируснинг уч генотиби учраши, генотипга боғлиқ барқарор ва нобарқарор вирусологик жавоб шаклланиши, клиник кечишида *ИЛ-28В* генининг полиморфизми ва иммунологик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлиги ва вирусологик жавобни баҳолаш вирусга қарши даволаш самарадорлигига асосланиши исботланган. Сурункали С вирусли гепатит оқибатини патогенетик асосланган эрта ташхислашнинг такомиллаштирилган усули асоратлар ривожланишини олдини олиш, касаллик рецидивини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали вирусли С гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмларни аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали вирусли С гепатитда *ИЛ-28В* генининг полиморфизми клиник-лаборатор ва вирусологик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 12 июндаги 8н-д/143-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали С вирусли гепатитни эрта ташхислаш, патогенези ва клиникаси ҳақида маълумотлар олиш ҳамда келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилади;

«Сурункали вирусли С гепатитни дифференцирланган даволаш усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 8н-д/313-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали вирусли С гепатитли беморларни иммунологик ташхислаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чоратadbирларини қўллашга хизмат қилади;

«Сурункали вирусли С гепатитни вирусга қарши даволаш динамикасида клиник-иммунологик хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 04 декабрдаги 8н-з/222-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали С вирусли гепатитли беморлани клиник-иммунологик ташхислаш, касаллик кечиши, асоратларини олдини олиш ва даволашни барвақт бошлаш орқали оғирлигини прогностлашга хизмат қилади;

сурункали вирусли С гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмларни аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Юқумли касалликлар эпидемиологияси, микробиологияси илмий-тадқиқот институти сурункали вирусли касалликлар бўлими, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти болалар юқумли ва паразитар касалликлари кафедраси ва иммуноген –тест илмий ташхислаш

маркази амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 04 декабрдаги 8н-з/222-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касаллик ремиссия муддатини узайтириш, асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка имкон яратади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ССВГ да вирусга қарши терапия фонида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик жиҳатлари тўғрисидаги масаланинг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида вирусга қарши терапиянинг имкониятлари ва ССВГ иммунопатогенезининг асосий жиҳатлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар таҳлил қилинган. Пегияцияланган интерферон ва рибавирин комбинациясида ВҚТ таъсирига вирусга қарши клиник ва иммун жавоби шаклланишининг асосий иммунологик механизмлари тақдим этилган. ССВГ патогенезининг асосий иммунологик механизмлари, цитокинлар, иммунитетнинг хужайра ва гуморал параметлари тўлиқ баён қилинган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник, клиник-лаборатория ва инструментал усуллари, илмий ишда фойдаланилган иммунологик, вирусологик ва генетик тадқиқотлари

баён қилинган. Тадқиқот материали баён қилинган ва тавсифланган, натижаларнинг статистик натижалари тақдим этилган.

Тадқиқот материалларни тўплаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва одам геномикаси институтининг ФА-Ф6-Т093 «Вирусга қарши терапияга резистентликнинг иммуногенетик механизмлари ва уларнинг сурункали В ва С вирусли гепатити билан касалланган беморларда фенотипик ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқлиги» мавзуси бўйича давлат фундаментал тадқиқот гранти (2012-2016 йиллар) доирасида амалга оширилган.

ССВГ билан касалланган ВҚТ динамикасидаги 115 та бемор анкеталарининг ретроспектив таҳлили; ВҚТ динамикасида текширилган беморларнинг асосий гуруҳи (ССВГ билан касалланган 120 та бемор); генетик тадқиқотлар учун ўзбек популяциясидаги 100 та соғлом шахс; клиник ва иммунологик тадқиқотлар учун 60 та деярли соғлом шахс тадқиқот материали бўлиб хизмат қилган. 2011-2013 йиллар даврида ВҚТ ни қабул қилган ССВГ билан касалланган 115 та беморнинг маълумотлари: ВҚТ нинг турли муддатларида (даволашга қадар, даволашнинг 3, 6, 9 ва 12 ойларида, ВҚТ яқунланганидан кейин 6-ойда) бўлган ССВГ билан касалланган беморларнинг асосий вирусологик, биокимёвий, гематологик ва иммунологик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Эркаклар – 55 (47%) ни, аёллар – 62 (52,99%) ни ташкил қилган. ССВГ билан касалланган беморларнинг ўртача ёши – 39,8±4,1. ССВГ билан касалланган беморларнинг асосий гуруҳида эркаклар 48 та (40%) ни, аёллар 72 та (60%) ни ташкил қилган. Ўртача ёш – 36,5±0,7 ёшни ташкил этган. 20-40 ёшда бўлган шахслар улуши кўпроқ (83%) бўлган. ССВГ билан касалланган барча беморларда шунингдек клиника-лаборатория, инструментал, вирусологик, иммунологик ва генетик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

<b>Интерферон ва рибавирин ёрдамида сурункали гепатит С (СВСГ) даволаш усулига барқарорлиги бўлган генетик полиморфизмлар</b>		
<b>Полиморфизм: ген, алмашув (NCBI да белгилаш)</b>	<b>ГЕНОТИП</b>	<b>Полиморфизмнинг эҳтимолдаги фойдаланиши</b>
IL-28B C > T [rs12979860]	C/C	◆ Инфекциянинг спонтан ечими эҳтимоли ◆ 80 % ВГС беморлар даволашга яхши мойиллик кўрсатадилар ◆ Вируснинг юқори юктамаси хос бўлади
	C/T	◆ 20-40% беморлар даволашга яхши мойиллик кўрсатадилар
	T/T	◆ 20-25% беморлар даволашга яхши мойиллик кўрсатадилар
IL-28B T > G [rs8099917]	T/T	◆ Инфекциянинг спонтан ечими эҳтимоли
	G/T	◆ Интерферон ва рибавирин билан ўтказилган терапияга суст жавоб
	G/G	◆ Интерферон ва рибавирин билан ўтказилган терапияга паст жавоб

**1-расм. ССВГ ни ИФН ва рибавирин билан даволашга чидамлилиги билан боғлиқ генетик полиморфизмлар**

Барча беморлар ВҚТ нинг турли муддатларида (даволашга қадар, даволашнинг 3, 6, 9 ва 12 ойларида, даволашдан кейин ва катамнездан кейин 6 ой ўтгач) бўлган. ССВГ билан касалланган беморлар касалликнинг репликатив босқичида (ПЦР-мусбат) бўлган, илгари беморлар ВҚТ ни қабул қилмаган. Вирусологик ва генетик тадқиқотлар «Иммуноген-тест» илмий-ташҳислаш марказида, тиббиёт фанлари доктори Т.Р. Хегай раҳбарлигида бажарилган. Генетик тадқиқотларнинг тавсифи 1-расмда тақдим этилган.

ИФН-препаратлари: Пегинтрон (пегИФН-альфа-2b) ва Пегасис (ПегИФН-alfa-2a) дан йўриқномага мувофиқ фойдаланилган.

Диссертациянинг «**ССВГ билан касалланган беморлар тавсифи (ретроспектив таҳлил)**» деб номланган учинчи бобида ССВГ кечишининг клиника-лабораторияга оид ўзига хос жиҳатлари тақдим этилган. ССВГ билан касалланган 115 та беморларга тааллуқли маълумотларнинг ретроспектив таҳлили тадқиқот материали бўлиб хизмат қилган бўлиб, уларда ВҚТ нинг турли муддатларида (даволашга қадар, 3, 6, 9 ва 12 ойларида, шунингдек катамнездан кейин 6 ой ўтгач БВЖ ли ва но-БВЖ ли шахсларга боғлиқ равишда) бўлган беморларга тааллуқли маълумотлар таҳлил қилинган. Барча беморларда периферик қонда даволашга қадар вируснинг юқори репликацияси қайд этилган. Жараённинг фаоллиги ва ташҳиснинг тасдиқланиши беморларнинг қон зардобиди ПЦР РНК да ўтказилган. Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ССВГ билан касалланган беморларнинг генотипи ўрганилганида 115 бемордан 90 та (77,6%) беморда 1-генотип, 7 та (6,4%) беморда 2-генотип ва 18 та (16%) беморда 3-генотип аниқланган. Анкеталарга кўра, даволаш бошланишига қадар асосий шикоятлар: умумий қувватсизлик – 52,5%, юқори даражада чарчаш – 39,6%, ўнг қовурға остида оғирлик ва симиллайдиган оғриқ – 42%, бош оғриғи – 19,0%, бош айланиши – 6,2%, эмоционал нобарқарорлик – 28,3%, уйқунинг бузилиши – 13,8%, тери қичишиши – 8% бўлган. Қуйидаги клиник синдромлар: астеновегетатив – 80,5%, диспептик – 34,5%, артралгик – 15,8%, аралаш – 16% синдромлар аниқланган. Масалан, қувватсизлик, чарчаш, ўнг қовурға остида симиллаган оғриқ, диспептик бузилишлар, артралгия ва миалгиялар энг кўп учрайдиган шикоят бўлган. Барча беморлар ВҚТ ИФН-терапияни рибавирин билан комбинацияда қабул қилган. Бунда 115 та бемордан 39,3 фоизи (46 таси) пегасисни ва 61 фоизи (69 таси) пегинтронни қабул қилган. ВҚТ самарадорлигини кўпроқ тушуниш мақсадида ва клиник жиҳатдан мақсадга мувофиқликни инобатга олган ҳолда адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ССВГ билан касалланган беморлар 2 та гуруҳга, яъни 1-генотипдаги ва 1-генотипда бўлмаган гуруҳларга ажратилган. ВҚТ йўриқномасига кўра, ВҚТ курси 1-генотипдаги беморларда 48 ҳафтани, 1-генотипда бўлмаган беморларда 24 ҳафтани ташкил этган.

Тавсияларга кўра, ВҚТ самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги клиник жиҳатдан вирусологик мезонлари мавжуд: тезда вирусологик жавоб (ТВЖ) – 4 ҳафталик ВҚТ дан кейин; эрта вирусологик жавоб (ЭВЖ) – ВҚТ нинг 12-ҳафтасида; даволаш якунида жавоб – ВҚТ нинг тўлиқ курси якунланганидан кейин ССВГ РНК си детекциясининг мавжуд эмаслиги; барқарор вирусологик

жавоб (БВЖ) – даволаш якунланганидан кейин 24 ҳафта ўтгач СВГ РНК си детекциясининг мавжуд эмаслиги. Беморларнинг анкеталари ўрганилганида С вируси гепатитининг 1-генотидаги беморларда вирусли юклама 1-генотида бўлмаган беморларга нисбатан ишончли тарзда юқори ( $p < 0,05$ ) бўлганлиги аниқланган. ВҚТ нинг 4-ҳафтасида 1-генотидаги ССВГ билан касалланган беморларнинг 46,5 фоизида БВЖ га эришилган. 1-генотида бўлмаган шахслар гуруҳида эса БВЖ 62% беморларда кузатилган. Бунда трансаминазалар 1-генотидаги гуруҳида 55% беморларда, 1-генотида бўлмаган гуруҳида эса 66,7% шахсларда нормал ҳолга келган. ЭВЖ нинг 12-ҳафтасида ўтказилаётган ВҚТ таъсирига жавоб берувчи беморлар сонининг ошиши қайд этилган. Масалан, 12-ҳафтада трансаминазалар даражаси 1-генотидаги беморлар гуруҳидаги 73% беморларда, 1-генотида бўлмаган гуруҳида эса 86% беморларда нормал қийматлар чегарасида бўлган. ЭВЖ га 1-генотидаги гуруҳида 56,4% беморларда, 1-генотида бўлмаган гуруҳида эса 90,5% беморларда эришилган. ВҚТ нинг 24-ҳафтасида 1-генотида бўлмаган ССВГ билан касалланган 21 та бемор даволашни якунлаган. Аниқланган натижалар 24-ҳафтадаги муддатда барча беморларда қон зардобидида СВГ РНК си мавжуд эмаслиги қайд этилганлигини кўрсатади.

24-ҳафтада 1-генотидаги беморлар ВҚТ ни давом эттирган. 1-генотидаги беморлар гуруҳида трансаминазалар даражаси 83% беморларда нормал ҳолга келган. СВГ РНК си эса 80% беморларда аниқланмаган. ВҚТ ни 48-ҳафтасида 1-генотидаги ССВГ билан касалланган беморлар гуруҳида вирусга жавоб 52 та (73,3%) беморда қайд этилган. Трансаминазалар даражаси 64 та (90%) беморда нормал ҳолга келган. Шундай қилиб, натижалар шуни кўрсатадики, 1-генотида бўлмаган ССВГ билан касалланган, 24 ҳафталик ВҚТ курсидан ўтган беморлар гуруҳида ВҚТ якунида барча беморларда вирусологик жавобга эришилиши кузатилади, бунда 21 та бемордан 20 тасида трансаминазалар даражасини нормал ҳолга келиши кузатилади ва у 95,2% ни ташкил этди. 1-генотидаги ССВГ билан касалланган беморларда вирусологик жавоб 73,3% ҳолларда, трансаминазалар даражасини нормал ҳолга келиши эса 90% ҳолларда кузатилади. ВҚТ якунланганидан кейин 6 ой ўтгач БВЖ ли ва но-БВЖ ли ССВГ билан касалланган беморларнинг маълумотлари 1-генотидаги ва 1-генотида бўлмаган беморларда (анкеталардан олинган мавжуд маълумотлар) шуни кўрсатадики, 1-генотидаги беморларнинг 64,9 фоизида ва 1-генотида бўлмаган беморларнинг 82,4 фоизида БВЖ қайд этилган. Шундай қилиб, ретроспектив маълумотлардан 1-генотидаги СВГ 77,6% ҳолларда, 2-генотида – 6,4% ва 3-генотида – 16% ҳолларда аниқланган. 1-генотидаги ССВГ билан касалланган шахсларда БВЖ 65% беморларда, но-БВЖ эса 35% шахсларда аниқланган. 1-генотида бўлмаган ССВГ билан касалланган шахсларда БВЖ 82,4% беморларда, но-БВЖ эса 17,6% шахсларда аниқланган.


ВҚТ фонидида ССВГ билан касалланган беморлар периферик қонининг клиника-лаборатория кўрсаткичларини баҳолаш (ретроспектив таҳлил) шуни кўрсатадики, ССВГ билан касалланган 84% беморларда ВҚТ бошланишига қадар биокимёвий кўрсаткичлар томонидан ўзгаришлар кузатилган бўлиб, айти

вақтда гематологик оғишлар деярли аниқланмаган. Қоннинг айрим параметрларини яққол ифодаланган ўзгаришлари асосан ВҚТ динамикасида қайд этилган. 1-генотипидаги ва 1-генотипида бўлмаган ССВГ билан касалланган беморларнинг маълумотлари ВҚТ бошланишига қадар таҳлил қилинган. Масалан, 1-генотипидаги ва 1-генотипида бўлмаган СВГ билан касалланган беморлар гуруҳида умумий билирубин миқдори 1-генотипида бўлмаган шахсларга нисбатан ишончли тарзда 2 марта юқори ( $p < 0,05$ ) бўлган. АЛТ ва АСТ миқдори гуруҳлар орасида таққосланганида 2,3 марта ( $p < 0,001$ ) юқори бўлган. Тимол пробасининг даражасини таҳлилида 1-генотипидаги СВГ билан касалланган беморлар гуруҳида тимол пробаси ва 1-генотипида бўлмаган СВГ билан касалланган беморларга нисбатан ишончли тарзда 3,5 марта юқори ( $p < 0,05$ ) бўлганлиги аниқланган. ССВГ билан касалланган беморлар аникетасида иммунологик тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, улар таҳлил қилинган. Масалан, ретроспектив таҳлил туфайли, 1-генотипидаги ССВГ билан касалланган беморлар учун лейкоцитлар сони, лимфоцитларнинг умумий сонининг ишончли тарзда ошиши, CD3+-лимфоцитлар, CD4-хужайралар сонига нисбатан ишончли тарзда пасайиши, CD8+-Т-цитотоксик лимфоцитлар сонига нисбатан ишончли тарзда ошиши, ИРИ ни пасайиши, CD16+ ЕКК ни ошиши, CD38+ ва CD95+ ни юқори экспрессияси, IgG ва IgA, ЦИК 3% ва 4% ларнинг энг кўп миқдорини аниқлаш мумкин бўлган.


Диссертациянинг «ССВГ билан касалланган беморларнинг клиник ва иммуногенетик тавсифи (тадқиқотнинг асосий материали)» деб номланган тўртинчи бобида ССВГ билан касалланган беморларнинг асосий гуруҳини ВҚТ динамикаси фонида ўрганишнинг асосий клиника-иммунологик усулларининг натижалари тақдим этилган. Юқорида қайд этилганидек, асосий гуруҳда ССВГ билан касалланган жами 120 та бемор текширилган. Улардан 48 таси (40%) эркак ва 72 таси (60%) аёл бўлган. Беморларнинг ўртача ёши  $36,5 \pm 4,1$  ёш бўлган. ССВГ билан касалланган 120 та бемордан ВҚТ нинг тўлиқ курсини 91 та (75,8%) бемор яқунлаган. ССВГ билан касалланган 91 та бемордан 69 таси 1-генотипидаги ССВГ билан касалланган бемор ва 22 таси 1-генотипида бўлмаган ССВГ билан касалланган бемор бўлган. ССВГ билан касалланган беморларнинг асосий гуруҳида СВГ генотиплари учрашининг таҳлили шуни кўрсатадики, 1 генотипидаги СВГ 79% ҳолларда, 2-генотипидаги – 8% ва 3-генотипидаги 13% ҳолларда аниқланган. 1-генотипидаги ССВГ билан касалланган беморларнинг ўртача ёши  $34,8 \pm 4,2$  ёшни, 1-генотипида бўлмаган ССВГ билан касалланган беморларнинг ўртача ёши  $39,2 \pm 3,64$  ёшни ташкил этган. Пегасис ва Пегинтрон билан ВҚТ буюрилишига доир йўриқномага кўра, ВҚТ курси 1-генотипидаги ССВГ билан касалланган беморларда 48 ҳафтани, 1-генотипида бўлмаган ССВГ билан касалланган беморларда 24 ҳафтани ташкил этган. Комбинацияланган ВҚТ пегилизация қилинган ИФН- $\alpha 2a$  ни ҳафтада 1 марта 180 мкг дан тери остига юборишдан ва РБВ ни 24-48 ҳафта давомида (вирус генотипига тана вазнига боғлиқ равишда) ҳар куни 800-1200 мг ичга қабул қилишдан иборат бўлган.

Тадқиқотда ССВГ ни даволашда олтин стандарт бўлган ВҚТ самарадорлиги прогнозини баҳолаш учун ИЛ-28 гени генетик

плиморфизмларининг rs8099917 ва rs12979860 локусларида аҳамиятли эканлигини таҳлил қилиш мақсад қилинган эди. Ушбу мақсадда ССВГ билан касалланган беморларда ВҚТ га қадар ИЛ-28В генининг генетик полиморфизмларини ўрганишга доир тадқиқот ўтказилган. Маълумки, ССВГ юзасидан ВҚТ ни олиб бориш Европа жигар кассалликларини ўрганиш ассоциацияси (EASL) тавсияларига мувофиқ вирус эрадикациясига эришишга, ЖЦ, ГЦР каби оғир асоратлар ривожланишини олдини олишга ва меҳнатга лаёқатлилиқни сақлаб қолишга имкон беради. Бошланишида бизнинг минтақамизда соғлом аҳоли орасида ИЛ-28В генининг генотиплари ўрганилган. Соғлом популяцияда иккита аллел бўйича генетик тадқиқотларнинг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатадики, генотипларнинг учраши ИЛ-28В генининг ОПН rs12979860 да: СС – 36%, СТ – 53%, ТТ – 11%; ИЛ-28В генининг ОПН rs8099917 да: ТТ – 57%, ТГ – 38%, ГГ – 5% бўлган. Ҳосил қилинган натижалар 2-расмда тақдим этилган. Шундай қилиб, соғлом популяцияда rs12979860 локуси бўйича СТ генотипи – 53%, rs8099917 локуси бўйича ТТ генотипи – 57% ИЛ-28В генининг энг кўп учрайдиган генотипи бўлган.



**2-расм. Деярли соғлом бўлган шахслар орасида ИЛ-28В генининг rs12979860 ва rs8099917 ОПН учраши тез-тезлиги (генотиплар, %)**



**3-расм. ССВГ билан касалланган беморларда ИЛ-28В генининг rs12979860 ва rs8099917 ОПН учраши тез-тезлиги (генотиплар, %)**


ССВГ билан касалланган беморлар гуруҳида ИЛ-28В гени полиморфизмининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: ИЛ-28В генининг ОПН rs12979860 да: СС – 31,3%, СТ – 64,2%, ТТ – 4,5%; ИЛ-28В генининг



ОПН rs8099917 бўйича: TT – 70%, TG – 30%, GG – аниқланмаган (0%). Демак, ИЛ-28В генининг генотиплари орасида ССВГ билан касалланган текширилган шахсларда rs12979860 локуси бўйича СТ генотипи – 64,2% ҳолларда, rs8099917 локуси бўйича эса TT генотипи – 70% ҳолларда энг кўп учрайди. Ҳосил қилинган натижалар 3-расмда тақдим этилган. Шундай қилиб, таҳлил шуни кўрсатадики, соғлом шахслар гуруҳида ОПН rs12979860 соғлом популяциясида СС – 36% ни, СТ – 53% ни, TT – 11% ни; ИЛ-28В генининг ОПН rs8099917 популяциясида TT – 57% ни, TG – 38% ни, GG – 5% ни ташкил этган. Демак, ИЛ-28В генининг генотиплари орасида соғлом популяцияда rs12979860 локуси бўйича СТ генотипи – 53% ҳолларда, rs8099917 локуси бўйича эса TT генотипи – 57% ҳолларда энг кўп учрайди. ССВГ билан касалланган беморлар гуруҳида ИЛ-28В гени полиморфизмининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: ИЛ-28В генининг ОПН rs12979860 да: СС – 31,3%, СТ – 64,2%, TT – 4,5%; ИЛ-28В генининг ОПН rs8099917 бўйича: TT – 70%, TG – 30%, GG – аниқланмаган (0%). Демак, ИЛ-28В генининг генотиплари орасида ССВГ билан касалланган текширилган шахсларда rs12979860 локуси бўйича СТ генотипи – 64,2% ҳолларда, rs8099917 локуси бўйича эса TT генотипи – 70% ҳолларда энг кўп учрайди.


1-генотипда эканлиги ва 1-генотипда эмаслигини таққослашга боғлиқ равишда ССВГ билан касалланган шахсларни таҳлил қилиш қуйидаги фарқларни кўрсатди. Таҳлил беморларни 2 гуруҳга ажратилганлигини: 1-генотипда эканлиги ва 1-генотипда эмаслигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди. Ушбу ажратишдан келиб чиққан ҳолда С вирусли гепатит генотипларига боғлиқ равишда ССВГ билан касалланган беморларнинг иммуногенетик маркерлари таҳлил қилинди. 1-генотипдаги ССВГ билан касалланган шахслар орасида СС 32% ҳолларда, но-СС эса 68% ҳолларда учрайди. TT – 53%, но-TT – 47% ҳолларда учрайди. 1-генотипда бўлмаган СВГ да қуйидаги манзара кузатилади: СС – 23%, но-СС – 77%, TT – 56%, но-TT – 44% ҳолларда аниқланган. Масалан, соғлом шахслар гуруҳида ИЛ-28 гени генотиплари қуйидаги тарзда тақсимланган: СС – 36%, но-СС – 64%, TT – 57%, но-TT – 42% ни ташкил этган. Демак, 1-генотипдаги ССВГ билан касалланган шахслар орасида СС 32% ҳолларда, но-СС эса 68% ҳолларда учрайди. TT – 53%, но-TT – 47% ҳолларда учрайди. Илмий ишнинг таҳлилий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда барча текширилган беморлар СВГ нинг 1-генотипида эканлиги ёки 1-генотипида эмаслигига боғлиқ равишда 2 гуруҳга, яъни 1-генотипида бўлган ва 1-генотипида бўлмаган беморларга ажратилди. Тадқиқот иши давомида сезиларли даражада бир хил бўлмаган материал олинганлиги муносабати билан ва замонавий адабиётларни ўрганиш жараёнида беморларни гуруҳларга етарлича қулай равишда ажратилганлигини инобатга олган ҳолда бундай қарорга келинди. Шунингдек, бундай ажратилишига бизнинг популяциямизда 1-генотипдаги СВГ энг кўп тарқалганлиги ҳамда адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра ИЛ-28 гени полиморфизмини ўрганиш 1-генотипдаги СВГ учун прогноз кечиши муҳимроқ ва долзарброқ

